

«Мўминлар Аллох (номи) зикр этилганда диллари кўркувда бўладиган, оятлари уларга тиловат килинганда имонлари зиёда бўладиган, Парвардигорларигагина таваккул киладиган, намозни мукамал ўқийдиган ва ризк килиб берганимиздан эхсон киладиган кишилардир» (Анфол, 2-3).

Ибн Аббос оятнинг тафсирида айтадики, «Мўминлар Аллох (номи) зикр этилганда диллари кўркувда бўлади ва фарзларни адо этадилар, оятлари уларга тиловат килинганда имонлари (да-ги тасдик) зиёда бўлади, Парвардигорларигагина таваккул киладилар ва бошқасидан умид килмайдилар».

Мужохид оятнинг биринчи кисмини «Мўминлар Аллох зикр килинганда калблари хайи-кадиган кишилардир» , тарзида тафсир килган.

Катода бўлса уни «Мўминлар Аллох зикр килинганда Аллох таборак ва таолодан хайикиб, хавфсираб, кўркиб титрайдиган кишилардир» , тарзида изохлаган.

Рабиъ эса «**иймонлари зиёда бўладиган**» оятини «кўркувлари ортадиган», деб таъвил килган.

Ибн Аббос «**намозни мукамал ўқийдиган**» оятида беш махал намоз кўзда тутилганини айтади. **«...ва ризк килиб берганимиздан эхсон киладиган»** , жумласини «**молларининг закотини берадиганлар**» , дея изохлайди.

Мазкур оятлар борасида Имом Табарийнинг тафсирларида шундай дейилади: «Аллох таоло бу оятлари билан гўё шундай демокда: Аллох ва Расулига хилоф иш киладиганлар, Аллохдан нозил бўлган китобдаги буйрук ва кайтарикларга бўйсунмаганларни мўмин деб бўлмайди. Хакикий мўминлар Аллох зикр килинганда

калби кўрқувга тушадиган, Унинг амрига итоат этадиган, Унинг азобидан хавфсираб, мудом зикрида бўладиган, олдида оятлар ўқилганда уларни тасдиқлаб, Аллохнинг хузуридан тушганлигига чин дилдан ишонадиган, тиловатлар таъсирида иймони зиёда бўладиган, Аллохнинг ўзига ишониб, ўзгасидан бирор нарса умид килмайдиган ва кўркмайдиган кишилардир. Улар яна фарз намозларни тўқис адо этадилар ва Аллох уларга ризк килиб берган моллардан Парвардигор буюрган ўринларга ҳамда таъминоти зиммаларида бўлганларга инфок-эхсон киладилар».

Парвардигор барчамизга Ўзи мадх этган ана шундай чин мўминлик сифатларига эга бўлишни насиб этсин!

«Тафсири Табарий» асари асосида Нўмон Абдулмажид тайёрлади.